

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2024 йил апрель ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди, Наманган шаҳар “Оби ҳаёт” МФЙ биносида, очиқ суд сайёр мажлисида, шаҳар судининг судьяси Я.Эрматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Абдуллажоновнинг котиблигида, давлат айбловчиси Наманган шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдумажидов, судланувчи М.Алимов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Нормирзаевлар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланувчи Алимов Мирзохид Собитовичга оид 1-1601-2407/287-сонли жиноят иши кўрилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Алимов Мирзохид Собитович, 24.03.1978 йилда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Наманган шаҳар, “Илғор” МФЙ, Наманган кўчаси, 1-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 20.03.2024 йилда олган.

Суд жиноят иши бўйича судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, давлат айбловчиси ва ҳимоячининг фикрини, судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, уларни жиноят иши ҳужжатлари асосида атрофлича муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Алимов 2024 йил 8 февраль куни Наманган шаҳар, “Қадамжо” МФЙ, Бобур кўчасида ўзини шубҳали тутганлиги сабабли Наманган вилоят ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, кийимлари кўздан кечирилганида унинг чўнтагидан полиэтилен пакет ичида бир бўлак нотўғри геометрик шаклдаги, тўқ жигарранг рангли 1,85 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеъмоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келганлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олинган.

Наманган вилояти ИИБ ЭКМнинг 09.02.2023 йилдаги №194-сонли хулосасида тақдим этилган М.Алимовнинг ёнидан олинган бир бўлак, нотўғри геометрик шаклдаги, тўқ жигарранг рангли, Cannabis ўсимлигига хос хидли, бироз



юмшоқ, ҳолатдаги модда таркибида, актив гиёҳванд модда тетрагиданнабинол сақлаши ва ушбу модда “Гашиш” деб аталиши, Гашишнинг соф оғирлиги 1,85 (бир бутун саксон беш) грамм эканлиги кўрсатилган.

Судланувчи М.Алимов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2023 йил куз ойларида балиқ овлаш мақсадида Наманган тумани, Қоракўл МФЙ ҳудудида жойлашган Сирдарё бўйларига бориб, дарё атрофида ёввойи наша ўсимликларини ўсиб ётганлигини кўриб, ўсимликлардан яшаш хонадонига териб келиб, қуритиб қўлбола усулда ўзига истеъмол қилиш мақсадида гиёҳванд моддасини тайёрлагани, моддани ўнг оёғи операция бўлганидан сўнг оғриқни қолдириш ҳамда тинчланиш учун чекиб кетгани, гиёҳвандлик моддасини бирон бир шахсга сотмагани, 2024 йил 8 февраль куни шахсий ишлари билан Наманган шаҳар, Илғор МФЙда жойлашган Марказий туғруқхона олдида кетаётган вақтида ёнида бўлган гиёҳвандлик моддасини оғзига солиб олгани, йўлда олдига фуқаролик ИИБ ходимлари келишиб, шубхали ҳаракатлари учун ёнини холислар иштирокида кўздан кечирилганида оғзида бўлган ўткир хидли гиёҳвандлик моддаси топилгани, ИИБ ходимларига ушбу модда ўзига тегишли эканлигини, ўзини истеъмоли учун яшаш хонадонига тайёрлаганлигини айтгани, гиёҳвандлик моддаси сотиш нияти бўлмаганини, ўзини истеъмоли учун сақлаб келганини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи М.Алимовнинг жиноятни содир этганликдаги айби ўзининг тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари суд мажлисида аниқланган ва текширилган қуйидаги далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топади.

Жумладан, судда ўқиб эшиттирилган гувоҳ К.Шариповнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари, яъни 2024 йил 8 февраль куни Наманган шаҳар, Бобур кўчасида жойлашган “Марказий турғуқ комплекси” олдида ўзининг шахсий ишлари билан юрган вақтида олдига фуқаролик кийимида икки нафар ИИБ ходимлар келиб, бир фуқарони ёнини шубхали кўринганлиги учун кўздан кечиришда холис бўлиб иштирок этишни сўрашганида рози бўлгани, кейин танигани судланувчи М.Алимовни ёни ИИБ ходимлари томонидан кўздан кечирилганида қора рангли целофан пакетга ўралган ўткир хидли гиёҳванд моддага ўхшаш модда топилгани, ИИБ ходимлари уни гувоҳлигида ушбу ўткир хидли, жигарранг рангли нарса баённома орқали олдишганини баён қилиб берган.



Суд, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, М.Алимовнинг жиноятни содир этганликдаги айби юқоридагилардан ташқари, билдирги, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотоиловалар, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомаси, гиёҳвандлик моддага ўхшаш моддани махсус тарозида тортиш тўғрисидаги баённома, далолатнома, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, судга оид наркологиya экспертиза хулосаси ҳамда бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Тергов органи томонидан судланувчи М.Алимовнинг 2024 йил

8 февраль куни Наманган шаҳар, “Қадамжо” МФЙ, Бобур кўчасида ўзини шубҳали тутганлиги сабабли Наманган вилоят ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, кийимлари кўздан кечирилганида унинг чўнтагидан полиэтилен пакет ичида бир бўлак нотўғри геометрик шаклдаги, тўқ жигарранг рангли 1,85 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, ўзининг истеммоли учун қонунга хилоф равишда сақлаб келганликда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2017 йил 28 апрель кунги 12-сонли қарорининг 6-бандида, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгалик қилиши (шу жумладан шахсан истеммоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди, деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

1-бандида судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиниши лозимлиги;

3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва



ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Олий Пленуми қарори талабларига риоя қилган ҳолда, судланувчи М.Алимовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, қилмишида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Суд, ашёвий далил тариқасида олинган ва экспертиза текширувидан қолган 1,79 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини белгиланган тартибда йўқ қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

Судланувчи Алимов Мирзохид Собитович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Алимов Мирзохид Собитовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан сутканинг соат 23:00 дан соат 06:00 га қадар яшаш жойидан чиқишини чеклаган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

М.Алимовга озодликни чеклаш жазосини Наманган шаҳар, “Илғор” МФЙ, Наманган кўчаси, 1-уйда ўташ белгилансин ва жазони ўташ даврида унга қуйидаги қўшимча тақиқ (чеклаш) лар ўрнатилсин:

- ҳар ойда бир мартаба Наманган шаҳар ИИО ФМБ Пробация гуруҳида рўйхатдан ўтиб туришлик;
- Наманган вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;
- Наманган шаҳар ИИО ФМБнинг рухсатсиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш каби қўшимча мажбуриятлар ўқ татилсин.



Озодликни чеклаш жазосини ижроси Наманган шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати судланувчи Наманган шаҳар ИИО ФМБ Пробацяя гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблаб ўтаттирилсин.

Судланувчи М.Алимовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси 6-қисмида кўрсатилган оқибатлари тушунтирилсин.

Судланувчи М.Алимовга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, экспертиза тадқиқотидан сўнг қолган Ўзбекистон Республикаси ДХХ Наманган вилоят бошқармасида сақланаётган 1,79 (бир бутун юздан етмиш тўққиз) грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Я.Эрматов



**Маъсул судья: Эрматов Ярашжон Баратович**



Хужжат имзоланган: Эрматов Ярашжон Баратович, 02.04.2024

